

М.Қ.Пардаев,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Х.Шоалимов,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ш.А.Тожибоева,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ўтган оламшумул, шукухли ва тарихан ўта қисқа давр мобайнида мустақил Ўзбекистон Республикаси собит қадамла босқичма-босқич иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосини яратди.


Бугунги кунда демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш шароитида барқарор макроиқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишни тақозо этади. Зеро, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «... иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилмай туриб, жамиятни сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтиб бўлмайди»¹. Ўз навбатида, бу иқтисодий таҳлил фанининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихини тадқиқ қилишни ҳам тақозо этади.

Маълумки, ҳар қандай фанинг вужудга келиши ҳаётий заруриятдан келиб чиқиб, у фақат объектив жараёнга таянади. Шу боис, иқтисодий таҳлил фани ҳам қўп асрлик тарихга эга бўлган бухгалтерия ҳисоби ва статистика каби фанлар асосида вужудга келган.


Бухгалтерия ҳисоби бўйича илк асар XV асрда Регузда Вендрікт Катрульининг 1458 йилда нашр қилинган «**Савдо ва хусусий савдогар**» номли китоби бўлса, иккинчи асар 1494 йилда Венецияда нашр қилинган Лука Пачолининг «**Счёtlар ва ёзувлар ҳақида**»ги китобидир. Шу тариқа, ҳозирги такомиллашган бухгалтерия ҳисоби фанига ўша вақтларда асос солинган. Кейинчалик, XVI-XVII асрларда бухгалтерия ҳисобига бағишланган китоблар Голландия, Франция, Англия каби мамлакатларда чоп этилди. Шу тариқа бухгалтерия ҳисоби барча мамлакатларда кенг ёйила бошлади.

Россияда бухгалтерия ҳисобига бағишланган илк асар В.С.Немчиновнинг 1840 йилда нашр қилинган икки қисмдан иборат «**Хисоб фани**» бўлган бўлса, кейинчалик, 1861 йилда Клинченинг «Қишлоқ хўжалиги бухгалтерияси», 1863 йилда «**Идора бўлими йўриқномаси**» китоблари нашр қилинган. Ишлаб чиқаришни такомиллашиб бориши, корхоналар ўртасида эркин рақобатнинг вужудга келиши бухгалтерия маълумотларини чуқурроқ ўрганиш ва уни тўғри ўқиш заруратини юзага келтирди. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий таҳлил элементларининг вужудга келишини тақозо қиласди, чунки, «**тижорат сирини**» такомиллаштириш хусусида жуда қўп саволларга бухгалтерия ҳисоби фани жавоб бера олмас эди.

¹ Кармиров И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994, 8-бет.



1-расм. Иқтисодий таҳлил фанининг номланиши.



2-расм. Иқтисодий таҳлил фанининг яратилиш даври

Иқтисодий таҳлилнинг элементлари илк бор 1880 йилда чиқа бошлаган «**Счётоводство**» журналида пайдо бўлган. Ушбу журналда чоп этилган кўп мақолалар бухгалтерия балансини таҳлил қилишга бағишиланган. Шу тариқа, таҳлил элементлари мавжуд бўлган – «**Балансшунослик**» фани вужудга келган.

Таҳлил фанининг вужудга келиши ва унинг шаклланишида олимлардан В.С. Немчинов, А.В. Прокофьев, Р.Я. Вейцман, И.С. Аринушкин, П.Н. Худяков кабиларнинг жуда катта хизматларини таъкидлаш лозим. Бу муаллифлар асарлари ўтган асрдаги корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишга бағишиланган. Хусусан, Р.Я. Вейцман томонидан «**Курс счетоводство**» китоби чиқди. 1912 йилда И.С. Аринушкин ўзининг «**Балансы акционерных предприятий**» китобини чоп этириди. Бунда баланснинг моддалари анча чукур таҳлил қилинган. 1920 йилларда олимлардан П.Н. Худяков «**Анализ баланса**» ва «**Популярные очерки балансоведения**» (1929 й.) китобларини нашрдан чиқарди.

30-йилларга келиб таҳлилнинг кўлами кенгая борди. Энди таҳлил қилиш учун фақат бухгалтерия баланси эмас, балки хўжалик фаолиятининг бошқа кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилина бошланди. Натижада тематик таҳлил вужудга келди. Бунга мисол қилиб С.К. Татурнинг «**Анализ отчёта промышленных предприятий**» (1934 й.), 1935 йилда чоп этилган М.Х. Жебракнинг «**Принципы организации анализа себестоимости**» каби китобларини келтириш мумкин.

1940 йилларга келиб «**Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш**» фани фан сифатида тўлиқ шаклланди. Унга бағишиланган йирик дарсликлар чоп этилиб, олий ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқила бошланди. Бу хайрли ишда С.К. Татур, Н.Р. Вейцман, И.А. Шоламович, М.С. Рубинов, М.И. Баканов каби олимларнинг хизматлари катта. Жумладан, 1940 йилда С.К. Татур «**Анализ хозяйственной деятельности промышленных предприятий**», 1949 йилда Н.Р. Вейцман «**Анализ хозяйственной деятельности промышленных предприятий**», 1952 йилда М.И. Баканов, И.А. Шоломович билан ҳамкорликда «**Анализ хозяйственной деятельности предприятий**» номли йирик дарсликлар чоп этилди.

1950 йиллар ҳам таҳлил фанининг ривожланишида асосий босқич бўлди. Шу йилларда саноат корхоналарида таҳлил қилиш фани янада равнақ топди. Бунга олимлардан И.И.Поклад ўзининг «**Экономический анализ производственно-финансовой деятельности промышленных предприятий**» (1957 й.), С.Б. Баринольц «**Оборотные средства промышленных предприятий**» (1957 й.), А.Ш. Маргулис «**Баланс промышленного предприятия**» китоблари билан катта ҳисса қўшдилар.

60-70-йилларга келиб таҳлилнинг алоҳида турлари вужудга келди. 1976 йилда С.К. Татур таҳрири остида «**Виды экономического анализа, их место и роль в совершенствовании управления промышленным производством**», 1974 йилда А.Д. Шеремет «**Комплексный экономический анализ деятельности предприятия**» (вопросы методологии), 1968 йилда

Н.Г.Чумаченко «**Внутризаводской экономический анализ**» китоблари чоп этилди.

70-йилларда хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фанининг назарияси яратилди. Бу ишга Н.В. Дембинский ўзининг «Вопросы теории экономического анализа» (1973 й.), А.Д. Шеремет «**Теория экономического анализа хозяйственной деятельности**» (1982 й.), И.И. Каракоз «**Основы теории экономического анализа**» (1972 й.), 1976 йилда М.И. Баканов ва А.Д. Шереметлар А.Н. Кашаев ҳамкорлигига «**Экономический анализ: Теория, история, современное состояние, преспективы**» китоблари билан муносиб ҳисса қўшдилар.

80-йилларнинг хусусияти шундаки, бу даврда иқтисодий таҳлил назариясини яратиш бўйича ҳудудий мактаблар вужудга келди. Жумладан, Москвада М.И. Баканов ва А.Д. Шеремет раҳбарлигидаги мактаблар. Булар «**Теория экономического анализа**» китобини 1987, 1990 ва 1993, 1994, 1995, 1997, 2009 йилларда қайта нашрдан чиқардилар.

Минск олимларидан В.В. Осмоловский, В.И. Стражев, Л.И. Кравченко, Л.Л. Ермолович, Ю.Н. Бусигин, Н.А. Русак ҳамкорликда 1989 йилда «**Теория анализа хозяйственной деятельности**» дарслигини яратдилар. Киевлик олимлардан И.И. Каракоз ва В.И. Самборский ҳамкорлигига 1989 йилда «**Теория экономического анализа**» номли дарслик яратдилар. Эндиликда барча Мустақил ҳамдўстлик давлатларида «**Иқтисодий таҳлил назарияси**» мустақил фан сифатида олий ўқув юртларида ўқитилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида, иқтисодий таҳлил ҳам яхшиланиш даврини бошдан кечирмоқда. Хусусан, унинг мазмуни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган иқтисодий қўрсаткичларни таҳлил қилишга каратилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда иқтисодий таҳлил фанининг роли бекиёсdir, чунки амалиётда иқтисодий дастакларнинг бири сифатида намоён бўлмоқда. Иқтисодий таҳлил фани бошқа фанлар сингари Ўзбекистонда ҳам ўз тарихига эга. Бу фан собиқ Иттифоқ таркибидаги бошқа республикалар сингари Ўзбекистонда ҳам унинг таркибида шаклланди.

Маълумки, Ўзбекистонда узоқ йиллар мобайнида олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида таҳлил фани асосан марказий шаҳарлардаги (Москва, Киев) олимлари томонидан тайёрланган дарсликлар асосида ўқитилиб келинди. Аммо бунда ўзимизга хос хусусиятлар акс эттирилмаган эди. Бу эса 60-йилларга келиб ўзбекистонлик олимларни ҳам бу фан соҳасида ижод этишга даъват этди. Хусусан, марказдан чиқадиган дарсликларга муаллифлик ва ҳаммуаллифлик сифатида таклиф қилинадиган бўлинди. Жумладан, 1970 йилда И.Т. Абдукаримов, Б.А. Залесский ва И.Н. Топоровский томонидан Москванинг «**Экономика**» нашриётида «**Матлубот кооперацияси корхона ва ташкилотлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўйича масалалар тўплами**» ўкув қўлланмаси биринчи марта чоп этилди. Шунингдек, шу фанга бағишлиланган қатор монографиялар, ўкув қўлланмалар, илмий мақолалар

И.Т. Абдукаримов томонидан чоп этила бошландики, бу борада унинг хизматларини мамнуният ила эътироф этиш жоиздир.

Шундай қилиб 70-йилларда Самарқандда профессор И.Т. Абдукаримов раҳбарлигига иқтисодий таҳлил мактаби таркиб топди. 70-йилларнинг иккинчи ярмига келиб таҳлилчилар сафи Ўзбекистон миқёсида танила бошланди ва кенгайди. Бу фан бўйича ўзбек тилида дарсликлар пайдо бўла бошлади. 1973 йилда **«Ўқитувчи»** нашриётида Н.А. Хан томонидан тайёрланган **«Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг анализи»** номли олий ўқув юртлари учун дарслик чоп этилди. 1979 йилда О. Махмудовнинг **«Қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш»** номли ўқув қўлланмаси ҳам ўзбек тилида чоп этилди. Бу дарслик ва ўқув қўлланмалар республикамизда иқтисодий таҳлилнинг тараққиёти учун қўйилган илк қадамлар эди.

Аммо республикамизда қишлоқ хўжалиги институтларидан ташқари барча олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида маҳсус фанлар, жумладан “Иқтисодий таҳлил” фани ҳам рус тилида ўқитилар эди. Шу боис, қишлоқ хўжалиги соҳасидан ташқари соҳаларда барча дарслик ва ўқув қўлланмалар рус тилида чоп этилар эди. 1973 йилда И.Т. Абдукаримов ва М.Қ. Пардаев томонидан **«Кооператив савдо меҳнат қўрсаткичлари таҳлили»** номли китоби Москванинг **«Экономика»** нашриётида чоп этилди. Шу тариқа Самарқандлик олимлар тематик таҳлил ривожланишига яна бир қадам қўйдилар.

80-йиллар самарқандлик олимлар учун жуда сермаҳсул давр бўлди. И.Т. Абдукаримов, М.Қ. Пардаев ва А.А. Абдиевлар ҳамкорлигига **«Хўжалик фаолиятининг таҳлили»**га бағишлиган тўрт томлик альбом яратилди. Бунда кооператив савдо корхоналари хўжалик фаолиятини комплекс таҳлил қилиш усуллари батафсил берилган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик сари интилиши самарқандлик олимларни ўзбек тилида дарслик ёзишга даъват этди. 1989 йилда И.Т. Абдукаримов, М.Қ. Пардаев, А.А. Абдиев ва В.А. Абдукаримовлар томонидан **«Матлубот кооперацияси хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш»** мавзуида биринчи марта ўзбек тилида дарслик вужудга келди. У **«Ўқитувчи»** нашриётида чоп этилди.

Шуни мамнуният ила таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда иқтисодий таҳлил фанининг вужудга келиши ва уни ривожланишига улкан ҳисса қўшган энг сермаҳсул иқтисодчи олим сўзсиз профессор М.Қ. Пардаев ҳисобланади. Улар илмий тадқиқот ишлар натижасида ҳажми 1050 бетдан ортиқ 874 та илмий, илмий-услубий, ўқув-услубий ва илмий-оммабоп ишларни чоп эттиришга муваффақ бўлдилар. Муаллифнинг 55 та иши хорижий мамлакатларнинг нуфузли журнал ва илмий тўпламларида нашр қилинган.

Самарқанд таҳлил мактаби олимларидан ибрат олган ҳолда ўзбек тилида иқтисодий таҳлил фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни чоп этган таҳлилчилар сафи кенгая борди.

1983 йилда А.Х. Шоалимов томонидан **«Моддий-техника таъминоти ташкилотларининг хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш»** мавзусида илк бор ўзбек тилида ўқув қўлланма вужудга келди. У Тошкентдаги «**Матбуот**» нашриётида чоп этилди. Бу ўқув қўлланмани кенг жамоатчилик илиқ кутиб олди. Натижада 1989 йилда ушбу ўқув қўлланма қайта ишланган ва тўлдирилган вариантда янгидан нашр қилинди.

1990 йилга қадар республикамизда асосан савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича дарсликлар яратилган эди. Аммо иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари бўлган саноат, курилиш, транспорт соҳасидаги корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўйича ҳали ўзбек тилида китоблар яратилмаган эди.

1992 йилда А.Х. Шоалимов томонидан **«Саноат корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш»** ўқув қўлланмаси биринчи марта ўзбек тилида энг нуфузли **«Ўзбекистон»** нашриётида чоп этилди. Бу ўқув қўлланма **«Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятини таҳлили»** бўйича мутахассис тайёрлайдиган барча олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига тавсия этилди.

2006 йилда А. Иброҳимов, А. Шоалимов ва Н. Ишонқуловлар томонидан олий таълимнинг 340000 - **«Бизнес ва бошқарув»** таълим соҳаси бўйича **«Молиявий ва бошқарув таҳлили»** фанидан намунавий дастур тайёрланди ва нашрдан чиқарилди.

1995-2011 йилларда мустақил Ўзбекистонда **«Иқтисодий таҳлил»** фанининг асосий соҳалари бўлган бошқарув ва молиявий таҳлилга бағишлиланган бир қанча адабиётлар чоп этилди. Булар жумласига Э.А. Акрамовнинг **«Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили»** (-Т.: Молия, 2003), А.Т. Иброҳимовнинг **«Молиявий таҳлил»** (-Т.: Мехнат, 1995), А.В. Ваҳобов ва А.Т. Иброҳимовларнинг **«Молиявий ва бошқарув таҳлили»** (-Т.: Шарқ, 2005), И.Т. Абдукаримовнинг **«Молиявий ҳисботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари»** (-Т.: Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси, 1999), И.О. Волжин ва В.В. Эргашбоевларнинг **«Молиявий таҳлил»** (-Т.: Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси, 1998), Е.Е. Ергешевнинг **«Иқтисодий ва молиявий таҳлил»** (-Т.: Молия, 2005), М.Қ. Пардаев ва А.Х. Шоалимовнинг **«Бошқарув таҳлили»** (-Т.: Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси, 2005), уларнинг ушбу номдаги олдинги варианти (-СамИСИ, 2004), М.Қ. Пардаевнинг **«Иқтисодий таҳлил назарияси»** (Самарқанд. Зарафшон, 2001), М.Қ. Пардаев ва Б.И. Исроиловларнинг **«Иқтисодий таҳлил»** (-Т.: Мехнат, 2004), М.Қ. Пардаев ва Б.И. Исроиловларнинг **«Молиявий таҳлил»** (-Т.: Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси, 1998), А.Х. Шоалимов, М.Х. Ходжаева ва Ш.И. Илхомовларнинг **«Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил ва аудит»** (-Т.: ТДИУ, 2011) каби китобларни киритиш мумкин.

А.Х. Шоалимовнинг ўзи томонидан ва М.Қ. Пардаев ва Ш.А. Тожибоевалар билан ҳамкорликда иқтисодий таҳлил мактабини шакллантиришга асос бўлиши мумкин. Хусусан, А.Х. Шоалимовнинг Ш.А. Тожибоевалар билан ҳамкорликда чоп этилган адабиётларга қуйидагилар киради.

1. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2003.
2. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2004.
3. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2004.
4. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, 2005.
5. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011.
6. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011.

А.Х. Шоалимов томонидан «Бошқарув таҳлили» фанидан тайёрланган маъруза матни ва ўқув қўлланма 2002 йилда «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти» маҳсус соврини билан тақдирланди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик йилларида иқтисодий таҳлил фани яна ҳам ривожланди ва равнақ топди. Лекин унинг келажаги ҳали олдинда. Шу боис, мустақил Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таҳлил қўйидаги йўналишларда ривожланиши керак, деб ҳисоблаймиз:

- ҳозир республикамида кўп мулкчиликка асосланган бозор тизимидағи корхоналар вужудга келди. Бинобарин, иқтисодий таҳлил ҳам ана шу соҳага мос ҳолда ривожланиши лозим;
- Ўзбекистонда барча соҳалар бўйича, айниқса бухгалтерия ҳисобининг жаҳон андозаларига мос тизими қабул қилинди. Бу эса халқаро андозага мос иқтисодий таҳлил тизимини яратишни тақозо қиласди;
- бу фаннинг назариясини ўзимизда шакланаётган бозор иқтисодиётини инобатга олган ҳолда яратиш керак;
- Ўзбекистонда макроиктисодий таҳлил амалий жиҳатдан объектив заруратга айланди. Аммо унинг назарияси ва услубий асоси ишлаб чиқилиши лозим;
- олимлар саноат, қурилиш, транспорт, хизмат ва иқтисодиётнинг бошқа муҳим соҳалари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишлари керак;
- иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда бу фанга тегишли аҳамият бериш ва ўқув андозалари ва режаларига киритиш керак.

Ушбу тадбирларнинг амалга ошиши натижасида иқтисодий таҳлил фанининг келажақда аҳамияти кескин ошади, зеро бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш, таҳлил қилишни тақозо этади.